



ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

● 2011-yil ● 1-yanvar ● Shanba ● 1 (31.277) ● (Tel. Faks) 233-12-56 ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кутлуғ қадами билан юртимизга кириб келаётган янги — 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, кувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қиммати яна бир бор англашимиз табиий, албатта.

Яқунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда ўш бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилиқ туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатлиқнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.

Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ ҳўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, ҳақон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий таъсирига қарамадан, ўз ниҳонисига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг яққол тасдиғини аввало Ўзбекистонимизнинг дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида қўриш мумкин.

Айниқса, яқунланаётган йилда галла, пахта ва бошқа қишлоқ

ҳўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

2010 йил — Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг қўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга албатта ҳақлидир.

Бугун мана шундай шуқуҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонқуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга — мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Мухтарам дўстлар!

Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган янги — 2011 йилни қут-баракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага кўтаришда янги бир босқич бўлади, деб катта орзу-умидлар билан кутиб олишимиз табиийдир.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиш белги-лангани эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтарди, деб ўйлайман.

Бундай режалар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.

Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яқкаю ягона шarti бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислохотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

■ Янги йилда мамлакатимизда «Президент арчаси» тантаналари ўтказилиши ва болажонларга совғалар топширилиши кичкинтойлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Фарғонада «Президент арчаси»



Бу йил Фарғона вилоятида ташкил этилган Янги йилнинг энг катта арчаси атрофида Қорбобо ва Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари иштирокида 900 нафар болага Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиев ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Мансуров Президент совғаларини тантанали равишда топширди.

— Болаларнинг шодлигини кўриб, ич-ичимдан қувондим, — дейди меҳнат фaҳрийси, байрамга набираси билан келган Наримон Ҳамидов. — Бундай бахтли лаҳзаларнинг қадри жуда юксакдир.

— Биз байрам тадбирида болаларнинг Янги йил қаҳрамонлари билан бирга воқелиқлар қатнашчиси бўлишга, шу тариқа сирли эртақлар оламига киришига, бахтиёр болалик қувончини ҳис қилишга эътиборимизни қаратдик, — дейди тантана режиссёрларидан бири Мухаммад-соли Аҳмедов.

«Президент арчаси»га вилоятнинг барча шаҳар, туманларидан келган болалар меҳр билан кутиб олинди. Болалар байрам тадбирлари доирасида янги қурилишлари бориб кўрдилар, истироҳат боғидаги аттракционлар улар ихтиёрида бўлди.

Мухаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишки таътил

■ Ҳар йили Янги йил арафасида болаларга қувонч улашиш мақсадида Мустақиллик майдонида эртақлар шаҳарчаси бунёд этилади. Бу йил ҳам ана шу анъанага мувофиқ Эзгулик аркаси қаршиида саҳна қурилди. Унга мутаносиб равишда баландлиги 25 метрлик арча тикланди. Байрам томошалари эса 26 декабрь кунидан бошланди. 8 январгача давом этадиган янги йил томошалари қизгин давом этапти.



Эртақлар шаҳарчасидан бошланган байрам

— Ўтган йили ҳам шу майдонга невараларимни олиб келган эдим, — дейди **учқўрғонлик Равзахон Худойбердиева**. — Бу йил эса келиним, қизларим билан бирга келдим. Байрам томошалари биз катталарда ҳам катта таассурот қолдирапти. Келганимизга тўрт кун бўлди. Пойтахтимизнинг барча сайилгоҳ, майдонларида бўлиб ўтаётган янги йил байрамларини катта қизиқиш билан томоша қиляпимиз. Илоҳим, Янги — 2011 йил юртимизга қут-барака, тинчлик-осойишталик олиб келсин.

Янги йил байрамининг асосий қаҳрамонлари Қорбобо ва Қорқиз

ҳисобланади. Мустақиллик майдонидаги томошаларда Қорбобо, Қорқиз, Насриддин Афанди, эртақ қаҳрамонларидан — Оловуддин, Ялмоғиз кампир каби образларни профессионал актёрлар жамоаси ижро этмоқда.

— Ҳар йили бу байрамни орзиқиб кутаман, — дейди **зангиоталик мактаб ўқувчиси Дилмурод Турсунхўжаев**. — Қорбобо ва Қорқиз билан арча ёнида суратга тушдим. Бир-бирдан қизиқарли томошаларни кўриб, бу ердан кетгим келмаяпти.

Мустақиллик майдонидаги байрам томошалари ҳар куни соат 11

дан кеч 21 гача давом этапти. Шунингдек, бу йил илк маротаба пойтахтимиздаги Бош сайилгоҳ кўчасида ташкил этилган янги йил байрам тадбирлари кўтаринки руҳда ўтапти.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Самимий қутловлар

Янги — 2011 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хоржий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва компанияларнинг бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашда давом этмоқдалар. Уларда давлатимиз раҳбарига ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик, тинчлик ва фаровонлик, соғлиқ ва саломатлик, амалга оширилаётган ишларда улкан ютуқ ҳамда омадлар тилаб, эзгу ниятлар изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар Янги йил қутловларини йўллашган: Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**; Люксембург Буюк Герцоги **Анри**; Кувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**; Янги Зеландия Генерал-губернатори **Ананд Сатьянанд**; Монголия Президенти **Ц.Элбегдорж**; Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар ал-Асад**; ҚХДР Давлат мудофаа қўмитаси раиси **Ким Чен Ир**; МДХ Ижроия қўмитаси Раиси **С.Лебедев**; ОДКБ Бош котиби **Н.Бордюжа**; БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик ташкилоти (ФАО) Бош директори **Жак Диуф**; НАТО Бош котиби **Андерс Фог Расмуссен**; Япония Демократик партияси Бош котиби, Парламент вакиллар палатаси аъзоси **Кацуя Окада**; Васада Университети Президенти **Каору Камата**; Москва Давлат Университети ректори, академик **В.Садовничий**. Байрам табриклари келиши давом этмоқда.



**2011
йил**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Муҳсинжон ҚОСИМОВ:

Бозор қонуниятлари ижтимоий ҳимояни инкор этмайди

■ Ипакчилик сир-асрорларини пухта эгаллаган Муҳсинжон 2002 йилда «Зухра» маҳалласида 15 нафар ёшни атрофига тўплаб, уларга пилладан ипак йигириш, атлас, адрас матолари тўқишни ўргатди. Тез орада унинг кичик корхонаси тилга тушди. Чунки ишлаб чиқарилаётган матоларда қадимий ранг ва чизгилар замонавий руҳ билан уйғунлашган, атласларнинг қатими бут, ипак толаларидаги улоқлар эшими пухта эди.

— Мақсадим маҳалла йигит-қизларига пиллани пишириш, йигириш, рангворлик, абрбандлик, тўкувчилик касбларини ўргатиш, — дейди Муҳсинжон. — Йилдан-йилга сафимиз кенгайиб борди. 15 кишилик жамоа бугун 91 кишига етди. Уларнинг ҳар бирини ноёб касб эгаси дейиш мумкин.

Бугун «Нурли тонг силк» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам донг таратди. Ёвропа, Осиё кўргазмаларида

иштирок этиб соҳа мутахассисларининг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Миср Араб Республикаси ва Ҳиндистонга ўзаро шартномалар асосида экспорт йўлга қўйилди. 2010 йилда эса дастлабки 100 минг АҚШ долларига тенг махсулот сотилди. Умуман, ўтиб бораётган йилда 2 миллиард сўмликка яқин ипак махсулотлари ишлаб чиқарилди. Бундай иқтисодий барқарорлик корхона-ни модернизация қилиш, замонавий технология билан жиҳозлаш имконини берди.



— Биз Хитойнинг «Хан Жо текстайлмашин МТД» компаниясидан йигирув ва Ҳиндистоннинг «Эрвергнинтернашил»дан тўкув машиналарини харид қилдик. 2011 йил бошида уларни монтаж қиламиз. Шунда корхонамиз янада кенгайиб 30 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Муҳсинжон.

— Мен вақтинча ишсиз уйда ўтирган эдим, — дейди Хани-

фахон Ботирова. — «Нурли тонг силк» корхонаси вакили мени корхонага ишга таклиф қилди. Ҳозир 300 минг сўмдан зиёд иш ҳақи оламан.

— Шундай савобли ишларни қиладиган, одамлар дарди билан яшайдиган, фидойи, меҳр-саховатли инсонлар бор бўлсин, — дейди «Зухра» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Иброҳимов. — Муҳсинжон маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга ҳамisha ёрдам бериб келади. Байрамларда совға-салом таркатади, тўй-маъракаларда елка тутиб ёнида туради.

ЎзХДП хайрихоҳи бўлган марғилонлик Муҳсинжон Қосимов бозор қонуниятлари ижтимоий ҳимояни инкор этмайди, аксинча унга шариот яратди, деб ҳисоблайди ва ўзи ҳам ана шу гоа асосида яшаб меҳнат қилмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Иброҳим ЁҚУБОВ,

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати:

Янги йилнинг қувончи ва масъулияти

Дарҳақиқат, қайси соҳани олимайлик, бекиёс ўзгариш ва янгиланишлар бўлаётганини кўрамиз. Эришилган улкан муваффақиятлардан фахрланиш билан бир қаторда янги йилда зиммामизга янада катта вазифалар юкланганлигини чуқур ҳис этиб турибмиз.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш —

тараққиётимизнинг муҳим омилидир» номли маърузаларида билдирилган таклифлар, илгари сурилган гоёлар, устувор вазифалар бугун ҳаммамизнинг диққат марказимизда турибди. Биз депутатлар, партиямиз фаоллари ўзимизга тегишли ҳулосалар чиқариб, янги — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олганмиз.

Куни кеча бўлиб ўтган ЎзХДП Марказий Кенгаши III Пленумида ҳам бу масалалар чуқур муҳокама этилиб, Концепцияни

амалга оширишда ЎзХДПнинг фаол иштирокини таъминлаш Ҳаракат дастури қабул қилинди. Пленумда таъкидланганидек, бу йил белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Шу боис, биз янада фаол ва ташаббускор бўлмоғимиз лозим.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда юксалиш йили бўладиган 2011 йил ҳаммамизга омадли келсин.

ДИҚҚАТ ЯНГИ РУКН: Интернет суҳбат

Хорижда ўқиётган тенгдошим

*Москва давлат университети 2-курс талабаси
Нодира Шоқосимова билан мулоқот*



■ — 1990 йил 20 августда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида туғилганман, — дейди Нодира. — Эски шаҳардаги 41-ўрта мактабда таҳсил олдим. Биринчи синфда қўлимга қалам тутқазган устозим Саида Зокировадан бир умр миннатдорман. 2006 йил мактабни тугатиб, Тошкент Ислам университети қоридидаги академик лицейда ўқишимни давом эттирдим.

■ — **МДУда ўқиш истаги қандай пайдо бўлди?**

— Лицейни битириш арафасида МДУ вакиллари келиб Москвада ўқиш имконияти борлигини айтишди. Омадим чоғиб бирданига иккита факультетда ўқимоқдаман. Лекин бирини танлашим керак. Журналистиками ёки арт-менеджерликим? Россия олий ўқув юртларида бир қоида бор. Шартнома асосида ўқийдиганлар ва 3 баҳоси бўлган талабалар умуман стипендия олмайди. Ўзбекистонда эса талабаларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор берилади. Яъни шартнома асосида ўқийдиганлар

ҳам, 3 баҳоликлар ҳам стипендия олишади.

■ — **Россияликлар Ўзбекистон ҳақида нималарни билишга қизиқишади?**

— Бошқа чет элликлар каби россияликлар ҳам Ўзбекистон сўзини эшитиши билан биринчи бўлиб албатта Самарқанд ва қадим Бухорони ёдга олишади. Рус миллатига мансуб Мария исмли курсдошим бор. Тошкентда туғилиб ўсган. 6-7 йилдан буён Москвада истикомат қиладди. У ўзбек миллий таомларини ҳалигача эсидан чиқармаган. «Сумалак, қаз, тандирда ёпилган нон, сомса ооо» деб эслайди.

Узоқда бўлсанг Ватанинг ҳам, урф-одатларинг ҳам, байрамларинг ҳам янада қадрли бўлар экан. Биз университетимизда Янги йил, Мустақиллик байрами ҳамда Наврўз айёмини ҳар йили нишонлаймиз.

■ — **Келажақ орзуларингиз ҳақида гапириб берсангиз?**

— Ниятим университетни битириб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиш. Тарих китобларида ўқиганман, XX аср бошларида чет элга бориб ўқиган талабалар камёб ҳисобланишган. Энди қаранг, қанчадан-қанча тенгдошларимиз чет элда ўқиш имкониятини қўлга киритишди. Мен хоҳлардимки, улар қаерда таълим олишларидан қатъи назар Ватанимиз равақига учун ўз хиссаларини қўйишлари керак. Бизга мана шу имкониятларни яратиб берган Ўртбошимизга раҳмат айтмоқчиман.

■ — **Янги йил тилақларингиз?**


— Биласизми, ҳар қандай байрамни ўз юртида кутиб олган одам бахтли одамдир. Ўз уйингда, ота-онанг, яқинларинг ёнида байрамларни нишонлаш нақадар яхши! Мен юртдошларимни янги йил билан сўзимий кутлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АбЪЗАМ суҳбатлашди.



■ Мана, 2010 йил ҳам тарихга айланди. 2011 йилга қадам қўйдик. Ўтган йилда юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган ютуқлар, илм-фан, санъат, спорт соҳаларида қўлга киритилган юксак натижалар жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солди. Айниқса, ёшларимиз ўзларининг юқори интеллектуал салоҳияти, ноёб истеъдоди ва иқтидорини намоён этиб, бутун дунёни лол қолдирди. Бир сўз билан айтганда, 2010 йил халқимиз, мамлакатимиз тақдирида, юртдошларимиз ҳаётида ёрқин, ўчмас из қолдирди.

2010 йил МЕНИНГ ҲАЁТИМДА



Акбар РАҲМАТОВ,

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси:

— Ўтган «Баркамол авлод йили»да журналистика таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясини қўлга киритишимни 2010 йилда эришган энг катта ютуғим деб ҳисоблайман. Шунингдек, 9-«Хитой тили кўприги» — жаҳон университетлари талабалари хитой тили мусобақаси Ўзбекистон босқичида қатнашиб, фахрли

иккинчи ўринни эгалладим ва Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси махсус дипломи билан тақдирландим.

Орзуларим, умидларим жуда кўп. Уларга эришиш учун фақат ўқиш, изланиш ҳаракат қилиш кераклигини биламан. 2011 йилда ҳам бир қатор ижодий ва илмий ишларни режалаштирганман.

Нодирбек МУЛЛАБОЕВ,

ЎзРФА зоология институти илмий ходими:

— 2010 йилнинг 24 декабрь куни гидроэкологик йўналишда номзодлик диссертациямни ёқлашга муваффақ бўлдим. Юртимиз сув ҳавзаларида балиқ махсудорлигини оширишга эришишнинг янада қулай усулларини ишлаб чиқишга қаратилган мазкур илмий ишимни тайёрлаш жараёнида нафақат мамлакатимиз, балки чет эл олимлари билан ҳам ҳамкорлик қилдим.

Ушбу тадқиқотни амалга оширишимда устозим, биология фанлари доктори Бахтиёр Каримовнинг хизматлари катта. 2011 йилда ҳам мазкур соҳага оид илмий изланишларимни давом эттириб, юртимиз иқтисодиёти юксалишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.



Мансур СОБИРОВ,

Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси:

— Болалигимда отам менга хилма-хил ўйинчоқ «поездчалар» совға қиларди. Уларни ўйнаш жону дилим эди. Шундан бўлса керак, кейинчалик ҳам темир йўл соҳаси мени ўзига тортиб турди. 2008 йилда ҳозир ўзим таҳсил олаётган олийгоҳга ҳужжат топширдим. Бирок ўқишга киролмадим. Шундан кейин ҳарбий хизматга отландим. Йигитлик бурчимни ўтаб бўлгач, бир йил мо-

байнида математика, физика ҳамда она тили ва адабиёти фанларидан қаттиқ тайёрландим.

2010 йилда Тошкент темир йўл муҳандислари институтига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Олийгоҳ маъмурияти томонидан ҳар йили, анъанавий тарзда кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган талабага бериладиган «Олтин қалит» мукофотида сазовор бўлдим.

Жамшид САИДКАРИМОВ,

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси:

— 2010 йилнинг февраль ойида Санкт Петербург шаҳрида элликдан ортиқ мамлакатлар ўртасида ташкил этилган «Европага назар» 5-Халқаро мусиқа фестивалида виолончел йўналишида биринчи ўринни эгалладим. Бундан ташқари, лицейимизнинг уч нафар ўқувчиси билан биргаликда ижро этган куйимиз «Томошабинлар симпатияси» номинациясига сазовор бўлди.

2010 йилнинг август-сентябрь ойларида Украинада бўлиб ўтган «Индивидуалист» 8 — Халқаро танловида дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан ташриф буюрган ҳакамлар ҳайъати мени 3-ўринга лойиқ деб топишди. Жанубий Кореяда тўрт босқичда ўтказилган ёш мусиқачилар беллашувида 100 га яқин қатнашчи орасидан фақат голиб деб топилган 12 кишига Сеулнинг муҳташам санъат саройларида яккахон концерт дастурини уюштириш имконияти берилди. Улар сафида мен ҳам бор эдим.

Ўтган йил Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг лицейимизга ташриф буюргани ва биз ўқувчилар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашгани бир умрга хотирамда муҳрланиб қолди.



Гулчехра НОРМУҲАМЕДОВА,

Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси:

— Бундан 30 йил муқаддам, 15 ёшимда ҳозирда ўзим ўқитувчилик қилаётган масканга ўқишга кирганман. 1982 йилдан бошлаб бу ерда тивувчилик технологияси фанидан дарс бераман. Ёдимда, биз таҳсил олган йилларда ўқув биносининг махсус ногиронлар учун мўлжалланган қурилгани имконияти чекланган ўқувчиларга қўллаб қийинчиликлар туғдирарди.

Ўтган 2010 йил нафақат менга, балки бутун коллеж аҳли, ўқитувчи ва ўқувчиларга бир олам қувонч

бахш этди. Коллежимизнинг янги ўқув биноси барпо этилди.

Устоз ва мураббийлар байрами арафасида Президентимизнинг фармони билан «**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими**» фахрий унвони билан тақдирландим.

Мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ғамхўрликлар 2011 йилда ҳам давом эттирилишига ишонаман.



Шўҳрат ИСЛОМОВ,

Тошкент давлат техника университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси:

— 2010 йилда илк бор Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ўз тадқиқотим билан иштирок этишга муваффақ бўлдим. Ўта юқори хароратдагина эриши мумкин бўлган металлларни нанокукулларини олиш ҳамда ундан тайёр махсулот ишлаб чиқариш устидаги мазкур янгиликни яқин кунларда «Навоий кон металлур-

гия комбинати»га татбиқ этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2010 йилда янги, металл чидамлилигини оширадиган қопламалар яратиш устидаги илмий изланишларимни ҳам бошладим.

Президентимизнинг Конституция байрамига бағишланган маросимдаги маърузасида илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура

шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида янги стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришни янада кучайтирилиши биз ёш олимлар зиммасига катта масъулият юклайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири **Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди.**



Ҳарбийлар оиласи учун уйлар

Янги йил арафасида Жалакудук туманида ҳарбий хизматчиларнинг 16 оиласи янги уйларга кўчиб ўтди.

■ Замонавий уйни «Деконта плюс» фирмаси курувчилари қисқа муддатда битказиб 950 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишларини бажаришди.

— Янги йилни янги уйда кутиб оладиган бўлдик, — дейди офицер Элмурод Отажонов ва унинг турмуш ўртоғи Элмира Отажонова. — Уйимизда икки ўғлимиз — Камронбек, Бехрузбеклар учун ҳам қулайликлар борилигидан жуда хурсандмиз. — Уйимизга марҳамат, — дея сўз бошлади сержант Анасжон Мирзахонов.

— Ҳавас қиласиз, кенг, ёруғ, шинамлигини айтмайсизми, — деб умр йўлдошининг сўзларини қуватлади Марғубахон Мусурмонқулова. — Ошхона, табиий газ, ичимлик суви ҳам бор. Қизимиз Сайёра 6-синфда ўқияпти. Ўғлимиз Асадбек биринчи синфга боряпти. Янги йилда безатилган

ям-яшил арча атрофида кичкинтойларнинг ҳам қувончи чексиз. Шухратбек Жумаев Самарқанд автомобиль муҳандислик олий билим юртини битириб, ҳарбий хизматни муваффақиятли давом эттиряпти. Офицер Жумаев оиласи ҳам икки хонали замонавий уйли бўлди. Унинг умр йўлдоши Фароғат Саломова қизи Жасминани бағрига босиб, жуда шод эканини билдирди: — Кўпдан буён шундай за-

монавий усулда қурилган уйда яшаш орзуим эди. Ниятим рўёбга чиқди. Кичик сержант Аҳмаджон Турсунов икки йилдан буён шу ерда ҳарбий хизматни ўтаятти. Умр йўлдоши Дилфузахон билан қиз-ўғилни тарбияляпти. Улар ҳам уч хонали замонавий уйга кўчиб ўтишганидан бахтиёр бўлишди. — Асли самарқандликман, — дейди капитан Линур Сулаймонов. — Етти йилдан буён Андижонда ҳарбий хизматдаман. Бугун умр

йўлдошим Шейде Сулаймонова, ўғлим Александр билан икки хонали уйга эга бўлдик. Янги уйни фойдаланишга топшириш тадбири ҳақиқий байрамга айланди. Карнай-сурнай садолари остида янги уйларнинг рамзий қалитлари қимматбаҳо совғалар билан уй соҳибларига тақдим этилди. Барча янги уй эгаларини муборакбод этди. **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Муסיқа ва санъат мактаби

Дўстлик тумани болалари учун Янги йил совғаси бўлди

Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига асосан жорий йилда мамлакатимизда 14 та болалар муסיқа ва санъат мактаби қурилиши режалаштирилган эди. Янги йил арафасида шундай мактаблардан бири Дўстлик туманида фойдаланишга топширилди. — Замонавий меъморий ечимда барпо этилган мактаб болаларимиз учун Янги йил

совғаси бўлди, — дейди 3-сон болалар муסיқа ва санъат мактаби директори Исроил Ниёзов. — Айни пайтда 135 нафар ёш санъат ихлосмандлари тўққизта муסיқа ва санъат йўналиши бўйича таҳсил олишяпти. 150 ўринли шинам концерт зали, энг сўнги русумдаги ўқув қуроллари ҳамда муסיқа ва санъатга доир асбоб-ускуналар, болаларнинг пухта билим олишлари, санъат сирларини ўрганишларига имкон яратади. **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ижтимоий ҳимоя

Меҳрибонлик уйига «Исузу» автобуси

■ Сурхондарё вилоятидаги 12-сонли Меҳрибонлик уйида 100 нафарга яқин ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг етук инсон бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда дурадгорлик, рассомчилик, зардўзлик ва бошқа унга ақин тўғараклар мунтазам ишлаб турибди.

Шу пайтга қадар олис Бойсун туманида фаолият кўрсатган Меҳрибонлик уйи Баркамол авлод йилида вилоят маркази Термиз шаҳрига кўчирилди. Республика Миллий хавфсизлик хизмати ташаббуси ва ҳомийлиги асосида маҳаллий ҳокимият ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу ерда кўркем, барча қулайликларга эга янги бино фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсатда қуриб битказилган иншоотнинг умумий қиймати 1 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этади. — Мен шу юртда туғилиб вояга етдим. Ота-онамдан эрта етим қолдим, бизнинг отамиз ҳам, онамиз ҳам шу юрт, шу тупроқ, халқимиз, — дейди тарбияланувчи Вероника Володина. Унинг 2010 йилда қувончлари чексиз

бўлди. Дастлаб Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган бўлса, яқинда, янги йил байрами арафасида янги қурилган уйга кўчиб ўтди. — Ҳомийлардан беҳад миннадоримиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Сурайё Ғозиева. — Бизда тарбияланаётганлар ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Уларни қўллаб-қувватлаш ғоятда савобли иш. Меҳрибонлик уйига янги йил арафасида «Исузу» русумли автобус совға қилинди. Бу эса уларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, қадимий қадамжоларини зиёрат қилишларига имкон яратди. **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

2010 йил — спорт галабалари

Рустам КОРИЕВ, Ўзбекистон нигиронлар терма жамоаси бош мураббийи, «Дўстлик» ордени соҳиби

— Ўтган йил футболчиларимиз ҳаётида унутилмас ва ёрқин из қолдирди. 2007 йилда илк маротаба жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлган жамоамиз ўтган йил октябрь ойида Аргентинада ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ўзларига билдирилган ишончни яна бир бор оқлашди. Ампутантларимиз қаторасига иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлишди. 2010 йилда жамоамизнинг бир гуруҳ аъзолари Президентимиз Фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Жумладан, менга ҳам «Дўстлик» ордени берилди. Ўртдошларимизни Янги — 2011 йил билан қутлар эканман, Ватанимиз осмони доимо мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан файз-барака аримасин. Спортчиларимизга янги йилда янги галабалар тиламан.



2010 йилда юртимиз дунёга қаҳрамон спортчилари билан яна бир карра ўз қудратини намойиш қилди.

Ришод СОБИРОВ, дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси совриндори, жаҳон ва XVI ёзги Осиё ўйинлари чемпиони



— Ўтган йил ўнга яқин йирик мусобақаларда иштирок этдим. Гуанчжоуда ўтказилган XVI ёзги Осиё ўйинларида дастлаб Вьетнам, Макао, Ҳиндистон спортчиларини, сўнгра ярим финалда Пекин олимпиадаси чемпиони, жанубий корейлик дзюдочини маглубиятга учратдим. Ҳал қилувчи баҳсда дзюдо ватани вакили, япониялик Хираокани доғда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлдим. Бугун ана шундай йирик мусобақаларда Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаганимдан жуда бахтиёрман. Олдимизда Лондон олимпиадаси саралаш турнирлари кутиб турибди. Ишонтриб айтаманки, ана шу мусобақаларда ҳам яна кучлилар қаторидан жой олиш учун бор куч-имкониятимни ишга соламан. Барча юртдошларимни Янги йил билан табриклайман.

Тилак

Соғлом миллат қудратли бўлади

■ Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси Маслаҳат-ташҳислаш маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, ЎзХДП аъзоси Малика Ҳужаева инсон сиҳат-саломатлиги ва уни асраш ҳақида мухбиримизга қўйидагиларни гапириб берди:



— Ҳаётда биз яқинларимизга катта бойлик ҳада этиб, фаровон турмуш шароити яратиб беришимиз мумкин. Аммо дунёда шундай бир неъмат борки, у на сотилади ва на берилади. У умр бўйи муҳофаза талаб этади. Маълумки, пойтахтимизда яқингача юқумли касалликка чалинган бемор шифхонада лаборатория текширувидан ўтгач, аник ташҳис қўйилар эди. 2006 йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси сазй-ҳаракати билан Тошкент шаҳар 1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси Маслаҳат-ташҳислаш маркази ташкил топди. У замонавий андозада қурилган кўркем бинога жойлашди, барча зарур тиббий асбоб-ускуна билан таъминланди. Беморларга 38 нафар малакали мутахассис тиббий хизмат кўрсатади, улар орасида тиббиёт фанлари докторлари ва номзодлари, олий тоқфали шифокорлар бор. Элмира Йўлдошева, Жаннатхон Ҳайдарова, Зилолаҳон Аҳмедова, Муножот Маҳмудова каби шифокорлар ва ҳамширалар ҳақида беморлар кўп илиқ гаплар айтишганига гувоҳ бўлганман. Ўтган тўрт йиллик фаолият шуни кўрсатдики, юқумли хасталикка чалинмаган бўлса-да, шифхонага мурожаат қилганлар оз эмас. Бир мисол. Ҳисоботларга кўра, ҳар йили 34-36 минг киши марказга мурожаат қиладди. Бу йил бу кўрсаткич 42 мингдан ошди. Бу аҳоли орасида касаллик қупайди, дегани эмас, аксинча, одамлар ўзи, фарзанди, яқинлари соғлигига эътиборсиз қарамаяпти. Сало-

матлик учун қайғуриш ҳисси ортаяпти.

Бир сўз билан айтганда, тиббиётимиздаги ислохотлар ўз мевасини бераяпти. Соғлиқни сақлаш уни тиклашдан кўра афзал эканини ҳамюртларимиз тобора чуқурроқ англаб етмоқда. Мен бир шифокор, бир она сифатида ўзимни бахтиёр инсонман, деб ҳисоблайман. Чунки юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам. Тўрт нафар фарзандим ўқиб, ҳаётда ўз ўрнини топди, бир этак неварам бор, улар билим олиши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Шукур қиламан.

Кези келганда, яна бир гапни айтмоқчиман. Республикаимизда кўплаб замонавий болалар спорт мажмуалари, қизлар учун гимнастика заллари, чўмилиш ҳавзалари ва спорт саройлари қуриляпти. Спорт — миллатни соғлом, келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялайди. Бу хайрли ишлар замирида саломатлиқни муҳофазалашдек ёруғ тилак муҳассам. Бундай хайрли ишларнинг чеки йўқ. Янги йилда ҳам халқимиз саломатлигини ҳимоялаш йўлидаги эзгу ҳаракатлар давом этишига шубҳа қилмайман. Инсон буюқ ишларга қодир, қачонки соғлом бўлса. Президентимиз айтганидек, соғлом миллат қудратли бўлади.

Саида САЙХҲН ёзиб олди.

Миннатдорлик

Халқ банкининг молиявий кўмаги ютуқларимиз гарови бўлмоқда

Бизнинг корхонамизда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кўшимча янги иш ўринларини ташкил этишда Халқ банкининг Хоразм вилоят филиалидан олган икки юз миллион сўмлик кредит жуда асқотди.

Замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ушбу маблағ ҳисобига Италия ва Германиядан зарур ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Линия ишга тушгандан буён ҳозирга қадар 1 млрд. 450 миллион сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бериш. Ишчиларимизнинг моошлари ҳам ошди. Дарвоқе, корхонамизда 40 та янги иш ўрни яратилди.

Муродбек ВАСИЕВ, Урганч шаҳридаги Ўзбекистон — Россия «Мегасфера» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари.

Қарор ва ижро

Минимал нархлар қайта кўрилди

■ Маълумки, 2010 йил бошидан алкоғолли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 327-қарорига мувофиқ алкоғолли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилган.

Таъкидлаш лозимки, бу бозорнинг легаллаштирилиши ҳисобига давлат бюджетига тушумларнинг ошишига, ишлаб чиқарувчиларга бизнесни юритишда тенг шароитларга рияя этилишини таъминлашга, савдо устамасининг камайиши ва сифатсиз маҳсулотлар истеъмолини камайтиришга имкон бермоқда. Вазирлар Маҳкамаси қарорининг иккинчи бандига кўра, алкоғолли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар маҳсулотларнинг сотиш нархлари ва ҳажми ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилиб, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Шунга мувофиқ алкоғолли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилди. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 6 декабрдаги «Алкоғолли маҳсулотлар учун энг

кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори янги йил бошидан кучга кирди. Янги нархлар вино, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотларга энг кам улгуржи-сотиш нархи бир литр тайёр вино маҳсулоти учун 2000 сўмдан, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли тайёр бир литр маҳсулот учун 4300 сўмдан белгиланган. Бунда энг кам чакана нархлар эса вино учун 2500 сўм, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар учун 5400 сўмни ташкил этади. Маҳсулотларнинг қандай сиғими-га қадокланганига қараб улгуржи-сотиш ва чакана нархлар ҳам келиб чиқади. Мисол учун, 0,25, 0,5, 0,7 литрли сиғимдаги вино ишлаб чиқарувчи корхоналар уни 500, 1000, 1400 сўмдан сотиши лозим.

Sotuvda erkin narxda